

**Кенжабоев Абдусалим Эркабоевич,**  
Термиз давлат университети, “Педагогика”  
кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди  
**Кенжабоева Дилафруз Абдусалимовна,**  
Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини  
малакасини ошириш ҳудудий маркази “Тилларни  
ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси

# ПЕДАГОГИК ДЕОНТОЛОГИЯ<sup>1</sup> ВА ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ

УДК: 37.01

---

## **КЕНЖАБОВ А.Э., КЕНЖАБОВ Д.А. ПЕДАГОГИК ДЕОНТОЛОГИЯ ВА ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ**

Мақолада педагогик деонтологиянинг моҳияти, ўқитувчининг мажбурияти, бурчи ва касбий компетентлиги ҳақидаги фикр юритилади.

Таянч сўз ва тушунчалар: педагогик деонтология, бурч, касбий компетентлик, ижтимоий компетентлик, хулқ нормалари, компетенция.

---

## **КЕНЖАБОВ А.Э., КЕНЖАБОВ Д.А. ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ДЕОНТОЛОГИЯ И ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ УЧИТЕЛЯ**

Данная статья посвящена проблеме педагогической деонтологии, обязанностям, долгу и профессиональной компетентности учителя.

Ключевые слова и выражения: педагогическая деонтология, обязанность, профессиональная компетентность, социальная компетентность, нормы поведения, компетенция.

---

## **KENJABOEV A.E., KENJABOEVA D.A. PEDAGOGICAL DEONTOLOGY AND PROFESSIONAL COMPETENCE OF TEACHERS.**

The article is devoted to the problems of pedagogical deontology, responsibility, duty and professional competence of teacher.

Key words and expressions: pedagogical deontology, responsibility duty, social competence, the standard of behavior, competence.

---

<sup>1</sup> Bentham J. Deontology // Bentham J. Deontology together with a Table of the Springs of Action and the Article of Utilitarianism. – Oxford: Clarendon Press, 1983, p. 121.

**Кириш.**

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ахлоқий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида малакали ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажрибаларини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, "Йил ўқитувчиси" Республика кўрик-танлови таълим муассасаларида фаолият олиб борилаётган ўқитувчиларга педагогик маҳоратини индивидуал равишда намойиш этиш имкониятини бераётган бўлса, "Йил мактаби" Республика кўрик-танлови ўқитувчиларга жамоа асосида таълим муассасаларида қўлга киритаётган ютуқларини оммага кўрсата олишлари учун қатор шароит яратмоқда. Шунингдек, республика миқёсида педагогик фаолиятда улкан ютуқларни қўлга киритаётган олий тоифали ўқитувчилар, ўқитувчи мутахассислар етишмаётган тумандаги мактабларга бориб ишласалар маошларига қўшимча 50%, бошқа вилоятдаги ўқитувчилар етишмаётган мактабларга бориб ишласалар маошларига қўшимча 100% устама маош қўшиб тўланиши мамлакатимизда 2021 йил 1 мартдан бошлаб йўлга қўйилди.

Ўқитувчи бутун ўқитиш жараёнида ўзи дарс бераётган фаннинг умуминсоний ва миллий ахлоқий тарбия вазифаларини сингдириш йўли билан ўқувчиларга мунтазам тарбиявий таъсир ўтказди.

Мамлакатимиз фуқароларининг маънавий қиёфасини белгиловчи фазилатлар – ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий ғурур, меҳнатсеварлик, байналминалчилик кабилар ўқитувчи орқали ўқувчиларга сингдирилади. Шунинг учун ҳам, аввало, муаллимнинг ўзи умуминсоний ва миллий қадриятларни пухта ўзлаштириб олиши, амалий ишда шахсан ибрат бўлиши лозим. Демак, ўқитувчи педагогларга хос ўқитувчилик одобига, масъулияти ва бурчига эга бўлган педагогик жараённинг эҳтиёжларини объектив равишда бажараётган шахс бўлиши лозим.

Жамиятда турли соҳаларда фаолият олиб боровчи кўплаб касб эгалари ўзларининг Ватан, халқ ва жамият олдигаги бурчлари, мажбуриятларини садоқат билан бажармоқдалар. Жумладан, 2020-йил бутун дунё халқлари учун ташвишли, оғир йил бўлди. Барча мамлакатларда халқлар Covid-19 инфекцияси билан касалланиб, ўзларининг яқин кишиларидан жудо бўлдилар. Дунёда иқтисодий ва бошқа соҳаларда катта йўқотишлар бўлди. Ўзбекистонда ҳам бу касал-

лик туфайли фуқароларимиз учун синовли даврлар бўлди. Тиббиёт ходимлари ўзларининг шифокорлик бурчларини, мажбуриятларини фидойилик билан бажариб келмоқдалар.

Бугунги кунда республикаимизда тиббиёт ходимлари сингари кўплаб педагогларимиз, устоз ва мураббийларимиз ўз касбларига нисбатан садоқатлилик, масъулиятлилик билан ўз бурчларини юқори компетентлик даражасида бажармоқдалар.

Биз ушбу мақолада ўқитувчи бурчи, унинг ўз касбига нисбатан садоқатлилиги, унинг Ватан олдигаги, халқ олдигаги мажбурияти ҳақида имкон қадар бугунги педагогик фаолиятда шуғулланувчи ҳамкасбларга методик маслаҳатлар, кўрсатмалар беришни мақсад қилдик. Ўзбекистон фуқаросининг бурчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Ўқитувчиларнинг касбий бурчлари эса 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган "Таълим тўғрисидаги" Қонуннинг 5-бўлим 44-моддасида кўрсатилган.

**Мақсад.**

Бугунги ўқитувчининг бурчи ва мажбурияти хусусида педагоглар билан фикр алмашишни жоиз деб, билдик. Бугунги кунда ҳар бир мутахассис тиббиёт ходими бўладими, қурувчи бўладими ёки педагог ўз бурчига, мажбуриятига, одобига эга бўлиши керак деб, ҳисоблаймиз. Хўш, бурч, одоб, ахлоқ каби ижтимоий тушунчалар ҳаммамизга маълум.

Бугунги кунда жамиятга кириб келган "Деонтология" фани биз учун янгилик эмас, биз мажбурият сифатида билганмиз, лекин фан ривожланган бир даврда халқаро педагогик атамаларда ишлатиладиган сўзларга ўз муносабатимизни билдирмоқчимиз.

**Асосий қисм.**

"Деонтология" сўзи deontos – "шарт", "бурч", logos – "таълимот", деган маънони англатиб, инглиз файласуфи Дж.Бентам мазкур тушунчани илмий жиҳатдан асослаган<sup>1</sup>. Унинг "Deontology of science of morally"<sup>2</sup> асарида деонтология яъни, инсон ахлоқи, этикаси ҳақидаги илмий фикрлар баён қилинган. Кейинчалик Дж.Бентам томонидан

<sup>1</sup> Bentham J. Deontology // Bentham J. Deontology together with a Table of the Springs of Action and the Article of Utilitarianism. – Oxford: Clarendon Press, 1983, p. 121.

<sup>2</sup> Bentham J. Deontology // Bentham J. Deontology together with a Table of the Springs of Action and the Article of Utilitarianism. – Oxford: Clarendon Press, 1983, p. 124.

тавсия қилинган “деонтология” фанидаги ғоялар немис файласуфи И.Кант томонидан ривожлантирилди, у деонтологияни “этика бу бурч, мажбурият этикасидир” деб таърифлади. Дастлаб деонтология сўзи тор маънода инсоннинг Худога ишончи, кейинчалик эса кенг маънода ишлатилиб, инсоннинг мажбуриятларини ифодаловчи тушунча сифатида изоҳланган. Бугунги кунда “Деонтология” инсон томонидан талаб даражасида хулқ нормаларини ва қоидаларини ўргатувчи фандир. Деонтология сўзи касбий этикада кенг қўлланилиб ҳар бир касб доирасида касбнинг одоб, хулқ, қонунчилик, суд, педагог, қурувчи, ҳамда давлат бошқаруви тизимида бурч, одоб-ахлоқ нормаларини ифодалайди. Педагогик одобни, бурчни эгаллашда, гуруҳли ва оммавий тадбирларда иштирок этиш ижобий натижалар беради. Бундай муҳитда ўзаро фикр алмашиш шахсий мулоҳазаларни бошқалар томонидан билдираётган қарашлар билан таққослаш уларнинг тўғрилиги, ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш мавжуд билимларни янада бойитишга имконият яратади. Касбий маҳоратни ошириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш педагогик фаолиятда одоб, ахлоқ, бурч ва мажбуриятларни юқори даражада ҳис этиш ва унга амал қилиш ҳақида шарқ мутафаккирлари Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Ян Амос Коменский, замонавий педагог олимларимиз Малла Очилов, Холбой Ибрагимов, Дилноз Рўзиева, Бегзод Ходжаев, Ойниса Мусурмонова ва бошқалар ўқитувчилик касби, унинг машаққатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар хусусидаги фикрларини баён қилганлар. “Педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган шахс таълим-тарбия самарадорлигини ва инсон камолотини таъминловчи фикрга эга бўлмайди”<sup>1</sup>, – деб таъкидлайди О.Мусурмонова ўзининг педагогик мулоҳазаларида.

Юқоридаги фикрларга таяниб деонтология фани қоидаларига асосланиб ўқитувчиларимизга қуйидаги маслаҳатни тавсия қиламиз:

а) ўқитувчилик касбининг асосий бурчи ва унинг мазмунига эътибор бериш;

б) қўйилган талабларнинг бажарилишида педагогик хулқ-атвор муҳим эканлигини инобатга олиш.

Ҳар бир вазифани бажарилиши ўқитувчининг ахлоқий қоидалари ва меъёрларига мос келиши

зарур. Ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири сифатида инсон турмушининг барча соҳаларида кишининг хулқи, хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи, бошқариб турувчи қоидалар, тамойиллар, йўл-йўриқлар, мезонлар, нормалар ҳамда панд-насихатлар мажмуидан иборатдир. Кишилик жамиятларидан барчамизга маълумки, инсонларга яхшилиқ қилиш, тўғриси бўлиш, ботирлик, камтарлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби ахлоқий фазилатлар доимо эъзозланган. Инсон меҳнат фаолиятини маълум бир соҳа билан шуғулланувчи кишиларга тааллуқли ахлоқий талаблар асосида фаолият олиб боради. Ўқитувчилик касби фахрли, обрўли эл-юрт назарига тушган касблардан биридир. Халқимиз ўқитувчилар меҳнатини доимо ҳурмат қилади, ардоқлайди. Чунки ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўз бурчини, мажбуриятини чуқур ҳис этади ва фидойилик билан халқимизнинг келажаги бўлган ёшлар тарбиясида фаол қатнашмоқдалар.

“Ўқитувчи одобининг нормалари ҳар бир муаллимнинг шахсий фикри, ахлоқий фазилати ва эътиқодига айланиши лозим. Ахлоқий эътиқод ва сифатлар ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларида, ўқувчилар, ота-оналар ва бошқа кишилар билан муомала муносабатларида кундалик турмушда ўзининг шахсий намунаси билан ахлоқий таъсир ўтказишда кўзга ташланади. Ўқитувчи одобининг асосий сифатлари умминсоний ва миллий ахлоқий фазилат тушунчаларига мос келади. Инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий ғурур, бурч, қадр-қиммат, масъулият, виждон, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, талабчанлик каби ахлоқий сифатлар ўқитувчи одобиде педагогик фаолияти билан таҳлил қилинади”<sup>2</sup>.

Профессор М.Очилов ўқитувчи бурчи тўғрисида ҳам ўз фикрини қуйидагича ифодалайди: “Ўқитувчи ёш авлодга таълим-тарбия бериш соҳасидаги ўз бурчини зўрлик туфайли юклатилган мажбурият эмас, балки ўз ҳаётининг маъноси, ишонч ва виждон даъвати деб ҳисоблайди. Фуқаролик бурчини ҳис этмоқ бутун халқ ва Ўзбекистон давлатининг буюк келажаги тўғрисида ғамхўрлик қилишини тақозо этади”<sup>3</sup>.

Ўқитувчининг бурчи, масъулияти ва касб одоби каби жиҳатлар, ҳаттоки миллий дастур ва “Таълим тўғрисида”ги Қонунимизда ҳам ўз аксини топган. “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг

<sup>2</sup> Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. - Т.: “Ўқитувчи”, 2001. 34-35 бет.

<sup>3</sup> Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. - Т.: “Ўқитувчи”, 2001. 38 бет.

<sup>1</sup> О.Мусурмонова. Умумий педагогика. Тошкент. “Ўзкитоб савдо нашриёти”, 2020, 61-бет.

5-боб, 44-моддасида педагогик фаолият билан шуғулланувчиларнинг ҳуқуқи кўрсатилган. “Тегишли маълумоти, касбий тайёргарлиги бўлган ва маънавий-ахлоқий фазилатга эга шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Магистратурани тамомлаган шахслар ва дипломли мутахассислар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга”. Шунингдек, Қонунда педагог ходимларнинг мақоми жамият ва давлат томонидан тан олинади. Педагог ходимлар ижтимоий қўллаб-қувватланади, ўз касбий фаолиятини амалга ошириши, уларнинг ижтимоий мақоми ва обрўсини ошириш учун ташкилий ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади, шунингдек, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун кафолатлар беради. Таълим ташкилотлари, педагог ходимларнинг ҳуқуқлари, шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимояси остида бўлади. Педагог ходимлар қуйидаги ҳуқуқларга эга: ўз шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш;

– ўқув дастурлари доирасида муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш;

– замонавий педагогик шаклларни ўқитиш, тарбиялаш воситаларини, усулларини эркин танлаш ҳамда улардан фойдаланиши;

– ўқув, услубий йўл-йўриқлардаги ахборот ресурс марказларидан бепул фойдаланиш;

– педагог ходимлар қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **Педагог ходимларнинг мажбурият (деонтология) лари.**

Педагог ходимлар:

- таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши;

- ўқув машғулотларини сифатли ўтказиши;

- ахборот-коммуникация технологияларидан, ўқитиш ва тарбиянинг илғор ҳамда инновацион шакллари ва усулларидан фойдаланиши;

- таълим олувчиларнинг психологик ва ўзига хос хусусиятларини, жисмоний ва руҳий саломатлигини, физиологик ривожланишини ҳисобга олиши, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахсларни ўқитиш учун шарт-шароитлар яратилишига эътибор қаратиши;

- вояга етмаган таълим олувчилар билан таълим-тарбия ишларини уларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари билан ҳамкорликда олиб бориши;

- таълим ташкилотининг уставига ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжатларига, ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этиши;

- ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориши, эгаллаб турган лавозимига мувофиқлик жиҳатидан даврий аттестациядан ўтиши;

- тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтиши шарт.

Педагог ходимларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига, шунингдек таълим олувчи ва таълим ташкилоти ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Педагог ходимларга педагогик фаолиятни амалга оширишда ахлоқ ва этика нормаларига зид ҳаракатлар содир этиш тақиқланади.

Педагог ходимларнинг кийим-бошига доир талаблар таълим ташкилотлари томонидан белгиланади<sup>1</sup>.

Юқорида қайд этилган фикрлардан бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйиладиган талаблар мазмунини англатади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур?<sup>2</sup>

Бизнинг назаримизда замонавий ўқитувчи - бакалавр қиёфасида қуйидаги фазилатлар намоён қила олиши керак (Сўз юритган сифатлар моҳиятан ўқитувчи-бакалавр томонидан оширилиши зарур бўлган вазифа, бурч ва масъулият ифодасидир).

1. Ўқитувчи жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бера олиши лозим.

2. Замонавий ўқитувчи илм-фан, техника ва технология янгиликлари, ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаши зарур.

4. Ўқитувчи педагогика, психология, педагогик технология, педагогик маҳорат фанларининг асосларини пухта билиши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инobatга олган ҳолда, фаолият ташкил этиши керак.

5. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиши шарт.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги 2020 йил 27 сентябрдаги. ЎРҚ-637-сон қонуни. - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон

<sup>2</sup> О.Мусурмонова. Умумий педагогика. Тошкент. “Ўзкитоб савдо нашриёти”, 2020, 57-58-бетлар.

6. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали метод ва воситалардан самарали фойдаланиши лозим ва ҳоказо.

### **Илмий муаммонинг қўйилиши.**

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: “Узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш меҳнат бозорини замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> таълим ва фан соҳасини ривожлантириш муаммолари кўндаланг қўйилган. Ўз даврининг буюк алломаси Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб”<sup>2</sup> номли дидактик асариде: “Ўқитувчи халқ олдида обрўга, ҳурмат ва иззатга сазовор бўлиши кераклигини, у халқ ғами билан яшашини, халққа ёрдам берувчи, халқ билан бирга бўлиши лозимлигини айтади. Нодон мутаассиб жоҳил мударрисларни танқид қилиб, мударрис орасидаги энг сара “малак қиёфали киши бўлиши, яъни соф кўнгилли, пок қалбли, инсофли, одобли, яхши кишиларни одобини ўзида акс эттириши лозим”, деб айтиб ўтган.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида таълимга “компетенциявий ёндашув” янги тадқиқот йўналиши сифатида пайдо бўлди. Компетенция лотинча сўз бўлиб “compete” – киришаяпман, муносибман, лойиқман ёки бир соҳадаги билимлар, тажрибалар маъноларини англатади. Демак, инсон маълум соҳани яхлит биладиган, тажрибага эга бўлган каби маъноларни билдиради.

“Компетентлик – билимдонлик, касбга мослик, малакалилик, тажрибалилик, раҳбарлик фаолиятига сингдириб бориш”.

“Компетенция – бирор киши жуда яхши билган ёки хабардор бўлган масалалар доираси”<sup>3</sup> - деб рус психологи Б.Д.Эльконин таъриф берган.

“Компетенция – бирор кишининг вазифалари, ҳуқуқлари доираси”<sup>4</sup> – деб С.И.Ожегов айтиб ўтган.

Умуман “компетенция” ва “компетентлик” атамалари педагог олимлар томонидан бир хил таҳлил

этилмайди. Компетентликка йўналтирилган таълим америкалик тилшунос М.Хомски (1956) Мас-сачусетс университети томонидан таклиф этилган “компетенция” атамасининг умумий маъноси шаклланди. Европа кенгаши дастури бўйича Берн шаҳрида бўлиб ўтган симпозиумда (1996 йил) “компетенция” – қобилият, маҳорат сингари тушунчалар қаторига киритилганлиги таъкидланади.

Алекс Мур кўп қиррали қобилият тушунчасига асос солди, яъни кўп қиррали қобилиятлилик тушунчаси компетентлик тушунчасига мос келиб унинг фикрича: “кўп қиррали қобилиятлар деганда, турли хил инсонлар турли хил услублар орқали ёки бир инсон турли хил нарсаларни турли хилда ўрганиш тушунилади”<sup>5</sup>.

Бугунги кунда таълим жараёнида ўқитувчилар фаолиятида “компетентлик” ва “компетенция” сўзлари кенг маънода ишлатилмоқда. Ушбу атамаларнинг мазмун ва моҳияти педагог, психолог, методолог олимлар томонидан турлича талқин этилади.

МДХ мамлакатлари олимлари Ю.К.Бабанский, М.Н.Скаткин, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластёнинлар ўз тадқиқотларида бўлажак ўқитувчини касбга тайёрлаш, “эффектив ўқитувчи” технологияси ва унинг мазмунига умумдидактик ёндашувлар илгари сурилади. Ўзбекистонлик педагог олимлар Н.С.Саидахмедов, Ш.С.Шарипов жумладан, О.Мусурмонова тадқиқот ишида: “таълим муассасаларида таълимни инсонпарварлаштириш ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш, узлуксиз таълим муассасаси ўқитувчиларнинг компетенцияси ва унга қўйиладиган дидактик талаблар”<sup>6</sup> деб, тушунтирадилар.

Бугунги кунда “компетенция” тушунчаси олимнинг фикрича, касб эгасига зарур бўлган қонунлар, талаблар, қоидалар, бурч, вазифа ҳамда мажбуриятлар шунингдек, шахсий деонтологик меъёрлар йиғиндисини англатади.

“Компетентлик” эса шахсий амалий фаолият билан боғлиқ бўлиб, компетенция меъёрларини жамият талабларидан креативлик асосида иш тажрибасида намоён этиш маҳоратидир<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. - <https://lex.uz/docs/3107036>

<sup>2</sup> А.Навоий. “Маҳбуб ул-қулуб” Ўн беш томлик. - Тошкент. Бадиий адабиёт нашриёти, 1966 й. 13 том. 192-193-бетлар


<sup>3</sup> Эльконин Б.Д.. Понятие компетентности позиция развивающего обучения. - Москва. 2002.

<sup>4</sup> Ожегов С.И. Словарь русского языка. – Москва: “Русский язык”, 1999. 248 стр.

<sup>5</sup> Alex More. Teaching learning. Pedagogy. Curriculum and culture. 2014, p. 146

<sup>6</sup> О.Мусурмонова. Умумий педагогика. Тошкент. “Ўзкитоб савдо нашриёти”, 2020 йил 273-274-бетлар.

<sup>7</sup> Мусурмонова О. Педагогик технологиялар – таълим самарадорлиги омили. - Т.: “Ёшлар нашриёт уйи”, 2020, 44 бет.

1-расм. Замонавий педагог компетенциясига таъсир этувчи омиллар ва хусусиятлар<sup>1</sup>.

Компетенция тушунчаси шахсга нисбатан умумийлик касб этса, компетентлик индивидуаллик характерига эгадир. Компетентликнинг асосий мезони маҳсулдор фаолият, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш натижаси билан белгиланади. "Компетенция" ва "компетентлик" тушунчалари мазмунан бир хил мақсадга қаратилсада, моҳиятидан бир-биридан фарқ қилади. "Компетентлик" амалий фаолият билан боғлиқ бўлиб, тажриба орқали компетенция талабларини билим, кўникма, малака орқали намоён этиш даражаси демакдир.

Компетентликнинг ўзи педагогда умумий дунёқарашнинг кенглиги ва маданиятнинг юқорилиги, педагогика, психология, бошқарув назарияси ва таълимни бошқаришнинг илмий асослари бўйича касбий билимларнинг мавжудлиги ўз билимларини амалиётда ривожланишга лаёқатлилиқ, ижтимоий ва психологик-педагогик тадқиқотлар методларини билишни назарда тутди.

Таълим муассасасининг замонавий педагог компетенциясига таъсир этувчи омиллар ва хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар кадрлар компетенциясини аниқлаш ва такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди (1-расм).

### Хулоса.

Ўз фаолиятини ҳар куни рефлексия қилиш педагог кадрлар компетенцияси ривожланиб бориши учун муҳим замин ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, компетент ёндашув умумий ўрта таълимни модернизациялаш нуқтаи назаридан, яъни педагогик воқеълик ҳисобланади. Маз-

кур ёндашув доирасида амалий фаолият тажрибаси компетенция ва компетентликни дидактик бирликлар сафида кўриб чиқиш ҳамда таълимнинг анъанавий уч элементи "Билим – кўникма – малака" ни олтита бирлик билим-кўникма-амалий фаолият тажрибаси - "компетентлик" тарзида таҳлил этилиши лозим<sup>2</sup>.

"Умумтаълимий компетенция шахсий ва ижтимоий фаолиятни амалга ошириш зарур бўлган объектларига муносабатини тақозо этувчи ўқитувчининг семантик йуналганлиги билим, кўникма, малакаларини ҳамда фаолият тажрибаларини мажмуида акс эттирувчи таълимий тайёргарликка қўйиладиган талабдир"<sup>3</sup>.

Биз юқорида "Таълим тўғрисида"ги қонунда бугунги ўқитувчига давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлар уларнинг бурчлари, мажбуриятлари ҳақидаги моддаларда ифодаланган ғояларни яна бир бор эътибор билан билиб олдик.

Бугунги педагог касбий фаолиятини ўзи бурчлари ва деонтологик талаблар асосида ташкил этиши ва ўзида мавжуд бўлган компетентликка таяниб, баркамол авлод тарбиясига эътибор бериши лозим. Ўқитувчилик бурчини юксак даражада англаш туйғуси муаллимнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиб ҳуқуқини бошқариб туради. Унда масъулият ҳисси қанча юқори бўлса, у таълим-тарбия ишларини бажаришга шунчалик куч сарфлайди. Бурч, масъулият пасайса ёки сўнса,

<sup>2</sup> Б.Х.Ходжаев. Умумий педагогика. - Т.: "Сано- стандарт" 2017, 86 б.

<sup>3</sup> Б.Х.Ходжаев. Умумий педагогика. - Т.: "Сано- стандарт", 2017, 433 б.

<sup>1</sup> Мусурмонова О. Педагогик технологиялар таълим самарадорлигининг муҳим омили. - Т.: "Ёшлар ташкилоти", 2020. 52 бет.

ўқитувчининг қўли ишга бормади, ўқитиш сифати пасаяди.

Педагогнинг мутахассис сифатида аниқ мақсад сари интилиши асосида педагогик жараён такомиллашади. Педагог ўз устида изчил, самарали ишлаши, фаолиятини лойиҳали асосда ташкил этиши компетентликнинг асосини ташкил этади. Таълим масканларида кадрларни ўз фаолиятларида илм, фан, тажриба, қобилият ва касбий маҳоратга асосланган ҳолда, ўз-ўзини намоён этиши, синф жамоасини самарали бошқаришда муҳим роль ўйнайди. Замонавий педагог компетентлигида бошқаришнинг ўзига хосликлари мавжуд:

- лойиҳалаштириш;
- ташкиллаштириш;
- таҳлил этиш;
- назорат қилиш;
- мотивация бериш;

Юқоридаги баён этилган педагог кадрларнинг касбий компетентлигининг компонентлари педагогнинг ютуқларини кафолатлайдиган омиллар ҳисобланади.

1. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш принциплари ичида назария ва амалиёт бирлиги

муҳим ўрин тутаяди, шуни ҳисобга олган ҳолда ўқув мақсадларидан тингловчиларнинг ўзлаштирган назарий билимларини амалиётга қўллаш имкониятини яратиш зарур.

2. Ўқитувчи ўқув топшириқларини тузишда тингловчиларнинг ўзлаштирган назарий билимларини янги кутилмаган вазиятда қўллашини назарда тутиши лозим.

3. Берилган топшириқларни бажариш жараёнида ўқитувчи ўқув материални қайта ишлаши, мослаштириши, лойиҳалаш, моделлаштириши, қайта ишлаб бериши талаб этилади.

4. Ўқитувчининг деонтологик тайёргарлиги таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини янада оширади.

5. Педагоглар ўз фаолиятини деонтологик асосда ташкил этиши ва ўзида мавжуд бўлган компетентликка таяниб, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказаяди.

6. Ўқитувчининг касбий бурч ва масъулиятини бажара олиши унинг педагогик маҳоратини янада такомиллаштиришини оширади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни. – <https://lex.uz/docs/5013007>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. - <https://lex.uz/docs/3107036>
3. А.Навоий. “Маҳбуб ул-қулуб” Ўн беш томлик. Тошкент. Бадиий адабиёт нашриёти, 1966 й. 13 том. 192-193- бетлар
4. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. - Т.: “Ўқитувчи”, 2001. 34-35 бетлар
5. Bentham J. Deontology // Bentham J. Deontology together with a Table of the Springs of Action and the Article of Utilitarianism. – Oxford: Clarendon Press, 1983, p. 119-281.
6. Alex More. Teaching and learning. Pedagogy. Curriculum and culture. 2004, 146 page
7. Эльконин Б.Д. “Понятие компетентности позиция развивающего обучения”. Москва. 2002.
8. Ожегов С.И. Словарь русского языка. – Москва: “Русский язык”, 1999. 248 стр.
9. Ходжаев Б. Умумий педагогика. - Т.: “Сано-стандарт”, 2017 й. 433 бет
10. Мусурмонова О. Педагогик технологиялар таълим самарадорлигининг муҳим омили. - Т.: “Ёшлар ташкилоти”, 2020. 52 бет.